

ОИЛАНИНГ ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШИ

Г.Б.Утепова - география фанлари номзоди, доцент

Н.Т.Отенов - ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: демографик ҳолат, оила, никоҳ, соғлом она, соғлом бола, ажримлар, мустаҳкам оила, демографик сиёсат.**Ключевые слова:** демографическая ситуация, семья, брак, здоровая мать, здоровый ребёнок, расторгнуть брак, крепкие семьи, демографическая политика.**Key words:** demographic situation, family, marriage, healthy mother, healthy child, to break a marriage, stable families, demographic policy.

Оила - инсонларнинг табиий, биологик, никоҳ - қон қариндошлик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган, турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий гуруҳдир.

Оилаларнинг ҳар томонлама соғлом ва мустаҳкам бўлиши давлат сиёсатининг ажралмас бир қисмига айланди. Оилалар сони ва унинг ўзгариши мамлакатнинг социал ва демографик ривожланиш хусусиятларига боғлиқ.

Олима М.Бўриева томонидан «Оиланинг моҳияти ва вазифалари дунёдаги барча халқлар учун бир хилдир. Лекин унинг ташкил топиши, тараккий этиши ва оила вазифаларининг бажарилиш жараёнлари ҳар бир халқда алоҳида ўзига хос хусусиятга эгадир» деб таъкидланган эди [2]. Маълумки, қадимдан мусулмон халқларида оила жуда муқаддас ҳисобланган. Оила қуриш, фарзандлар қуриш ҳар бир оиланинг бурчи деб қаралган. Оиладаги барча муносабатларни ҳамisha пок тутишга, тўғри йўналтиришга ҳаракат қилинган. Бу сифатлар Қуръони Карим сураларида ҳам, ҳадисларда ҳам, тарихий, бадий ва илмий манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Оила ва никоҳ турли тарихий даврлар давомида ўз ҳолати ва хусусиятларини ўзгартириб берган. Оила ўз мезонлари ва вазифаларига эга.

Оила мезонлари уч гуруҳга ажратилади:

1. Демографик мезон - асосан оиланинг демографик ҳолати орқали ифодаланади. Бу мезоннинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, улар орасида оила аъзолари таркибига, эр ва хотиннинг оиладаги мавжудлик ҳолатига, фарзандлар сонига кўра гуруҳлаштириш кенг тарқалган.

2. Ижтимоий мезон - оила аъзоларининг ижтимоий ҳолати эътиборга олинган ҳолда гуруҳлаштирилади. Уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, касб-кори, оилада тутган ўрни каби жиҳатлари мезоннинг асосий кўринишлари ҳисобланади.

3. Иқтисодий мезон - оиланинг иқтисодий таъминланиш даражаси эътиборга олиниб, улар кам, ўрта ва тўлиқ таъминланган оилалар ҳисобланади.

Оила вазифаларини бажарилиши бир-бири билан боғлиқ ҳолда рўй беради. Масалан, оилада фарзандларнинг соғ-саломат туғилиши она саломатлигига боғлиқ. Она саломатлиги ва туғилган фарзанднинг соғ-саломат ўсиши эса оиланинг иқтисодий вазифасининг бажарилиш даражасига, яъни моддий таъминланиш даражасига ниҳоятда боғлиқдир. Оилада туғилган фарзанднинг етук инсон бўлиб шаклланиши учун биринчи навбатда боланинг таълим - тарбиясига ва дунёқарашини шаклланишига катта эътибор берилиши лозим. Мазкур жараён оиланинг ижтимоий вазифаларини бажарилиши билан узвий боғлиқ бўлади. Ўз навбатида оилада фарзандлар миқдорининг ошиб бориши ҳам оиланинг иқтисодий вазифаларини бажарилиш даражасига таъсир этади. Бошқача қилиб айтганда, оилада истиқомат қилаётган оила аъзоларини кўпайиб бориши оиланинг моддий имкониятини кўтаришни, яъни оиланинг иқтисодий вазифасини бажариш даражасини тезлаштиришни талаб этади.

Фарзанд оила муҳитида катта бўлар экан, унинг барча хулқ атвори, атроф муҳитга, оилага бўлган муносабати, келажакда ўзининг оила қуриши, фарзандлар қуриши ҳақидаги фикрлари ҳам шаклланиб боради. Агар оиланинг ижтимоий вазифаси ижобий бажарилса, яъни болада оилага, ота-онага, кексаларга ҳурмати, ўзаро ёрдам каби ҳислатлар шакллansa, у келажакда оила қургач, ўзи ҳам фарзандларини худди шундай тарбиялашга интилади. Демак, янги авлоднинг оила қуришида, янги оиланинг шаклланишида оиладаги ижтимоий вазифаларнинг бажарилиши асосий омиллардан бўлиб хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, оила ўз моҳияти билан жамият ҳаётининг турли қирраларини акс эттиради. Шунинг учун

ҳам оила қатор ижтимоий фанларнинг ўрганиш мавзусидир. Демография оилани ўрганар экан, асосий эътиборни соғлом бола ва баркамол авлодга яъни жамиятни давомийлигига катта эътибор қаратади.

Оиланинг демографик таракқиёти, асосан статистик маълумотлар ёрдамида ўрганилади. Бундай маълумотлар эса, оилани мунтазам рўйхатга олиб бориш ва аҳоли ўртасида социалого - демографик (сўровнома) тадқиқотларни ўтказиш йўли билан тўпланади. Оила ҳақидаги статистик маълумотлар, уларнинг тузилиш тизими жаҳондаги ҳамма давлатларда ҳам айнан бир хил эмас. У ҳар бир давлат статистикаси учун қайд этилган оиланинг статистик тушунчасига ва ўтказилаётган аҳоли рўйхати дастурига боғлиқдир. Дастур тузишда аҳолининг оилавий таркиби, оилавий яшаш турлари асос қилиб олинади.

Қатор иқтисодий ривожланган давлатларда оиладаги фарзандлар камолот ёшига етиб оила қургач, улар иқтисодий жиҳатдан мустақил яшайдилар ва алоҳида оила ҳисобланадилар. Баъзи давлатларда эса 20 ёшдан ошган ҳар бир йигит - киз оила қурмаса ҳам, ўзи алоҳида оила ҳисобланади. Яна бошқа давлат статистикасида турмуш қуриб, кейинчалик ажрашиб ота-онаси оиласига қайтиб келса ҳам уларни алоҳида оила ёки ёлғиз яшовчилар қаторида ҳисобга олинади. Баъзи ҳолларда қариндош-қондош бўлмаган бегона кишилар ҳам бир оила бўлиб яшайдилар.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов «Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи...» дея таъриф берган [1].

Жамиятимизда оилаларнинг ижтимоий - демографик таракқиёти замон талабларига мос равишда ривожланиб бормоқда. Айниқса, мустақиллик даврида ишлаб чиқилаётган давлат дастурларининг асоси оилага қаратилиб, демографик сиёсатни ўз ичига олади. Оиланинг демографик ривожланишини белгилаб берувчи авлодлар алмашиб жамиятнинг давомийлигини таъминлайди ҳамда келажакда шу жамият аҳолисининг яшаш тарзини ва демографик истиқболни белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

«Демографик ҳолатни мувофиқлаштириш» жамиятнинг ҳозирги кунда оиланинг демографик ривожланишида оилавий муносабатларнинг мустаҳкамланишига, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда, она ва бола саломатлигини ва туғиш оралик муддатини камида 3 йил бўлишини оила аъзоларининг англашига қаратилмоқда.

Туғилишлар орасида узоқ ораликни сақлаш боланинг яшашига, она саломатлигини асрашга имконият яратади. Оиладаги иккинчи фарзанд биринчисига нисбатан, агар у 1,5-2 йил оралик билан дунёга келган бўлса, анча заиф, касалга чалинувчан бўлиб ўлим хавфи ҳам юқори бўлади.

Аҳоли саломатлигини яхшилашда, оналар ва болалар ўлимини камайтиришга эришишда демографик ҳолатни мувофиқлаштириш муҳимдир. Демографик ҳолатни мувофиқлаштириш икки мақсадни - болалар соғлигини мустаҳкамлаш ва улар ўлимини камайтиришни назарда тутди. Одатда чақолоқ она қорнида, она организмда ўзининг ривожланиши, кундалик ҳаёти ва захира тўплаш учун оксил, ёғ, углевод, минерал, макро ва микроэлементлар, витаминлар каби моддаларни олади. Ана шу моддалар онада етарли бўлса, маълум миқдорда болага ҳам ўтади. Шу сабабли чақолоқ нормал ёки кам вазминли, соғлом ёки хастароқ бўлиб туғилади.

Демографик ҳолатни мувофиқлаштириш оналар саломатлиги ва болаларнинг омон қолиши муаммоси тўғри ҳал этилишининг муҳим омили ҳисобланади. Олиб

борилаётган тарғиботдан мақсад туғилишни чеклаш эмас, балки туғишдаги оралик муддатини узайтириш, соғлом авлодни вояга етказиш, оналар соғлигини яхшилаш, оналар ва болалар ўртасидаги ўлимни камайтиришдан иборатдир. Демографик ҳолатни мувофиқлаштиришнинг асосий мақсади оилада фарзандлар миқдорига эмас, балки унинг сифатига эътибор беришдан иборат.

Ажримларнинг асосий сабаблари ўрганилганда аксарият ҳолатларда эр-хотинларнинг ўзаро келишмовчиликлари, феъл-атворининг бир-бирига мос келмаслиги, рашк, қайнона - келин муаммолари, эркакнинг зарарли одатларга берилиб кетиши (ичкилик, гиёхванд моддалар)га ва шу каби, моддий қийинчиликлар (асосан эрнинг ишламаслиги, мустақил оилани бошқара олмаслиги), эрнинг дараксиз кетиб қолиши каbidир.

Оилаларнинг барқарорлигини таъминлашда қуйдагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

- оила ва никоҳ муносабатларини мустаҳкамлашда ёшлар ўртасида тиббий кўрикдан ўтишнинг моҳияти, қариндош -

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: «Шарқ» 1998.
2. Бўриева М. Оилада нечта фарзанд бўлгани маъкул. – Т.: «Адолат», 1995.

Оила – инсонларнинг табиий, биологик, никоҳ, қон-қариндошлик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган, турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий гуруҳидир.

РЕЗЮМЕ

Семья основана на естественных, биологических отношениях, брак - на родственных, экономических, правовых, политических отношениях, семья –это социальная группа, связанная между собой браком и ответственностью.

РЕЗЮМЕ

Family is based on natural, biological relations, the marriage is based – on the kin, economical, legal, political relations. Family is a social group, connected with each other through marriage and responsibility.

SUMMARY

ЖАҲОННИНГ ОЧИҚ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Д.Ш.Зиядуллаев – техника фанлари номзоди, доцент
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Г.Э.Зиёдуллаева – ассистент ўқитувчи
Тошкент ахборот технологиялари университети

Г.А.Кутлимуратова – ассистент ўқитувчи
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: Open Source, Очик ҳавола (Open Access (OA)), Киберленинка, DOAJ, электрон журналлар.

Ключевые слова: Open Source на открытом воздухе, (Open Access (OA)), Kiberleninka, электронные журналы.

Key words: Open Source, Open Air (Open Access (OA)), Kiberleninka, DOAJ, e-magazines.

Бугунги кунда интернет барча учун қулай ахборот воситаси ҳисобланади. Интернет орқали биз излаган саволларимизга тезда жавоб олишимиз, дунёни ўрганишимиз ва билимларимизни бойитишимиз мумкин.

Билимларни тарқатишда Интернет алоҳида аҳамият касб этади. Буларга илм фанга оид порталлар ва сайтлар, электрон кутубхоналарни мисол қилишимиз мумкин [1].

Интернет тармоғидаги ахборот ресурсларига электрон каталоглар, электрон журналлар, китоб ва газеталар, луғатлар, энциклопедия, маълумотномалар, онлайн китоб дўконлари ва шунга ўхшаш ресурслар мисол бўла олади. Ахборот ресурсларининг Интернетга жойлаштирилиши керакли маълумотларни тезда излаб топиш, илмий ишлар билан танишиш ҳамда ушбу жараёнда бевосита иштирок этиш имкониятини яратади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам жаҳон ахборот ресурслари ўрганилиб, улардан фойдаланиш ўрга-тилмоқда. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам жаҳондаги очик ресурслардан кириб фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд. Китобхонлар ушбу муассасага ташиф буюриб ўзлари учун керакли маълумотларни бепул равишда олишлари мумкин.

Очик ҳавола (Open Access (OA))—бу оммавий Интернет орқали бепул ҳавола бўлиб, фойдаланувчиларга ўқиш, юклаш, нусха олиш, тарқатиш ва чоп этиш, қидириш ва иқтибос қилиш, индекслаш, маълумотларни узатиш ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш, муаллифлар йўналишига фақат фаолият бутунлигини сақлаган ҳолда рухсат беради.

Очик ҳавола тушунчаси тадқиқотчилар, олимлар, кутубхона мутахассислари, илмий ходимлар, молиячилар, давлат хизматчилари ва нашриётлар ўртасида кенг муҳокама қилинади.

уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, оила мустаҳкамлиги бўйича мутахассислар маслаҳати, давра суҳбатлари, илмий - амалий семинарлар, намунали оилаларнинг тавсияларидан фойдаланиш;

- оилалардаги зиддиятларнинг олдини олиш, ёш оилалар турмушини мустаҳкамлаш чораларини ўз вақтида кўриш;

- маҳалла фуқаролар йиғинидаги яраштириш комиссиялари аъзоларининг фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқишда жиддийликка эътибор қаратиш;

- оила ажримларини камайтиришда маҳалла маслаҳатчиларининг ҳар бир оилага кириб бориб, уларнинг дарду ташвишларига шерик бўлиб, уларга маънавий - руҳий кўмак бериши ва зарур бўлганда моддий ёрдам билан таъминлаши;

-оилани мустаҳкамлашда оила - никоҳ мавзуларидаги кўрсатувларни янада такомиллаштириш ҳамда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга ёрдам берадиган адабиётларни нашр этиш ва бошқаларга эътибор бериш керак.

Бугунги кунда тақризланган журналларнинг 90 фоизи саклов кўринишида, 10фоизи эса очик ҳаволада.

Биринчи муҳим халқаро очик ҳавола 2002 йил февраль ойида Будапешт конференциясида очик кўринишда сакланади. Ундан сўнг 2003 йил июнь ойидаги Бифеда баёноти ва 2003 йил октябрь ойидаги Берлин декларациясининг илмий ва ижтимоий билимларга очик ҳаволасидир.

Ўзбекистонда очик ҳаволага кириш ҳаракати 14 йил аввал бошланган. Бугунги кунда Алишер Навоий номли Ўзбекистон миллий кутубхонасида фойдаланувчиларга кутубхона тармоғида 33 та очик ҳаволали ахборот ресурсларини тақдим этилган.

Илмларнинг тез тарқалишида очик ресурсларнинг ўрни бекиёсдир. Тизимга ресурсларнинг очик тарзда жойлаштирилиши аввамбор ана ўша юртнинг илм фанини ривожланишига, олимлар сонининг ортишига ва шулар асносида буюк кашфиётлар яратилишига, технология ривожланишига, жамият тараққиётига, янгиликларнинг ортишига сабаб бўлади. Муаллифлар ҳам ўз мақолаларини,нашриётлар журналларини очик тарзда тизимга қўйишидан уларга қандай фойда бўлади деган савол туғилиши табиий, бу саволга уларнинг мақолаларига муносабатлар сонининг кўпчилиги, яъни impact-factor нинг ўсиши орқали ўз рейтингларига эга бўлишлари, дунёга танилишлари, турли конференцияларга таклиф этилишлари, уларга бутун дунё қизиқа бошлаши жавоб бўла олади.

Жаҳонда ҳозирги кунда очик ресурслар бир қанча бўлиб, булар қаторига биз қуйидагиларни киритишимиз мумкин: [2]

- [Aluka](#)
- [Cambridge JOURNALS](#)